

АКАДЕМИК КАРИМ ШОНИЁЗОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

Элмуродова Нигора Жобир қизи

Бухоро давлат техника университети ўқитувчиси

nigorascientific1@gmail.com

Эшмаматов Масрур Эркинжон ўғли

Бухоро давлат техника университети

1-курс 514-24 ҚМ гуруҳ талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда этнография фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган этнограф олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, тарих фанлари доктори, профессор Карим Шониёзович Шониёзов ва унинг илмий мероси ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: *этнос, этник тарих, Карим Шониёзов, ўзбек халқи, этнология фани.*

Ўзбек этнографияси фанининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган ушбу фанининг йирик вакилларида бири, академик Карим Шониёзович Шониёзов 1924-йилда Қашқадарё вилояти Косон туманининг Қарлуқ қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Умрининг биринчи йилида у ота-онасидан айрилиб, қариндошларининг тарбиясида, сўнгра мактаб-интернатда тарбияланган. Карим Шониёзович меҳнат фаолиятини эрта бошлаган, 11 ёшидан у колхозда ишлаган.

1941-йилда у 17 ёшида кўнгилли равишда фронтга жўнаб кетди, Ленинград, Украина, Белоруссия, Болтиқ фронтларида жанг қилди, моторли разведка взводи қўмондони бўлиб, Руминия, Полша ва Германияда жанг қилди. Жасорат учун у 5 та орден ва 15 та медал билан тақдирланди. 1952-йилда Тошкент давлат педагогика институтини тугатгач, у ЎзССР Давлат хавфсизлик вазирлигининг ходими бўлиб ишлаган, сўнгра техникумда ўқитувчилик қилган ва илм-фан соҳасида ўз касбини топган.

К.Шониёзов ўзининг шахсий салоҳиятини ишга сола олган тадқиқотчилар сирасига киради. Такдир унга кулиб боқмаган, шафқат марҳаматини дариғ тутган бўлишига карамай ўз саъй-ҳаракатлари туфайли илмда катта муваффақиятларга эришди. Ёшига тўлар-тўлмас ота-онасидан жудо бўлди. Меҳнат фаолиятини жуда эрта -колхозчи, чўпон ёрдамчиси сифатида бошлади. Унинг характери ва курашчи сифатидаги инсоний фазилатлари узи бир неча марта ҳалокат ёқасидан қайтган иккинчи жаҳон уруши оловида шаклланди.

Урушдан кейинги ҳаётида у ўзининг тақдирини белгилай олди, бу тарих илми эди.¹

Карим Шониёзовнинг ҳаёти ва илмий фаолияти Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти билан бевосита боғлиқ эди. 50-йилларнинг ўрталарида ўзбекистонлик ёш олимларнинг катта гуруҳи Москва ва Ленинграддаги академик муассасалар аспирантурасига юборилди. Карим Шониёзовга улар орасида бўлиш ва СССР Фанлар Академияси Этнография институтининг Ленинград қисмидаги аспирантурада илм-фан йўлини бошлаш Шониёзовга насиб этди. Бу ерда унинг илмий устози ва ўқитувчиси таниқли турколог Леонид Потапов Карим Шониёзовнинг тадқиқотчи сифатида ва унинг туркий халқларнинг этник тарихига бўлган илмий қизиқишини очиб берди. Шундан сўнг олимнинг илк жиддий тадқиқоти ҳисобланмиш “Ўзбеки-Карлуки”² асари нашр килинди.

Карим Шониёзов этник тарихни, ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини чуқур ўрганишда давом этиб, қанғли, қипчоқлар, юз, курама ва бошқалар сингари индивидуал таркибий қисмларни тарихий-этнографик тадқиқотлар олиб борди. Ўзбек халқи ва унинг шаклланиш жараёни »³(1974) (ушбу мавзу бўйича 1975 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган), “Қанғ ва Қанғ давлати ”⁴(1990), “Қарлуқ ва Қарлуқлар давлати ”⁵(1999). Сўнгги иккита монография ўзбек тилида нашр этилди. С.П.Толстов концепциясига амал қилган ҳолда, К.Ш.Шониёзов туркларнинг Марказий Осиё ҳудудига эрта кириб бориши (милоддан аввалги I-аср) тезис⁶ини илмий асослаган ва уларнинг шаклланишидаги ролини пухта ўрганган тадқиқотчилардан бири бўлди. Ушбу минтақа халқлари, шу билан бирга, у ўз эътиборини ўзбекларнинг тарихий аجدодлари-саклар, массагетлар, қанғарлар, сўғдлар, хоразмийлар, бактрияликлар ва бошқаларни, шунингдек, маҳаллий аҳолининг бошқа этник таркибий қисмларини ва уларнинг этногенездаги ролидан маҳрум қилмади. Ўзбек этнографиясида ўзбек ва Марказий Осиёнинг бошқа халқларининг этник тарихи ва этнографияси тўғрисида бундай кенг маълумотга эга бўлган бошқа бирон бир тадқиқотчи олим йўқ.

Олимнинг нашрлари жуда кўп (уларнинг сони 200 дан ортиқ), у олти та йирик монография ёзган. Карим Шониёзовнинг асарлари кенг доирадаги археологик, этнографик, антропологик, тарихий манбаларни ўрганишга асосланган катта ҳужжатли базаси билан ажралиб туради.

¹ З.Х.Арифханова. Карим Шониёзович Шониёзов// Этнографическое обозрение. 2001, №6, с.48

² Шаниязов К. Ш. Ўзбеки-карлуки. Ташкент: Наука, 1964. С. 195

³ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974.

⁴ Шаниязов К. Ш. Қанғ ва Қанғлилар давлати. Ташкент, 1990.

⁵ Шониёзов К. Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар – Т.: Шарк, 1999. 190Б

⁶ Шаниязов К. Ш. Тюркоязычные народы, живущие в Центральной Азии. Анкара, 1996

Олим халқларнинг этногенезининг назарий масалаларини тушунишга, ўзбек халқининг шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини очишга, минтақадаги этник жамоаларнинг таснифини, шунингдек, қадимги даврлардан бошлаб Ўзбекистондаги этник жараёнларнинг даврийлашувини илмий асослашга интилди. Ҳозирги кунгача К.Шониёзов туркларнинг Марказий Осиё ҳудудига эрта кириб бориши (милоддан аввалги I аср)⁷ тезисини асослаб берган ва уларнинг минтақа халқларининг шаклланишидаги ролини чуқур ўрганган биринчи тадқиқотчилардан биридир. Шу билан бирга, у ўзбекларнинг ва бошқа минтақадаги халқларнинг тарихий аجدодлари саклар, массагетлар, кенгарлар, сўғдлар, хоразмийлар ва бошқаларга, шунингдек, маҳаллий аҳолининг бошқа этник таркибий қисмларига ва уларнинг ролига катта эътибор берган.

Олимнинг тадқиқотларида ўтроқ аҳоли ўзбеклар ва тожиклар орасида этник жараёнлар катта ўрин тутади, этник жараёнлар якка ҳолда эмас, балки минтақанинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. Кўп қиррали этногенез ва этник тарих муаммосининг айрим жиҳатлари, ўзбекларнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасининг бошқа халқлари билан этник ва маданий алоқалари масалалари ва ўзбекларнинг этногенезида туркий тилда сўзлашадиган халқларнинг роли ҳақида К.Ш.Шониёзов кўплаб мақолалар, жамоавий монографиялар бўлимлари, конференциялар ва симпозиумларда маърузалар қилди. Улар орасида "Ўзбекистон ССРнинг замонавий этник таркиби ва этник жараёнлар"⁸ (1970); "Қанглиларнинг жойлашуви ва қабилавий бўлиниши масаласида"⁹ (1972); "Ўзбекларнинг Ўрта Осиёнинг бошқа туркийзабон халқлари билан этник-маданий алоқалари"¹⁰ (1976); "XIV-XVIII асрларда ўзбекларнинг этник динамикаси ва этник алоқаларининг баъзи масалалари (1986)"¹¹ ва бошқалар муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини назарий масалалари билан ҳам таниқли элшунос олим-академик К.Шониёзов чуқур шуғулланган. У ушбу масалада 1998 йилда «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналида «Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар»¹² номли мақола эълон қилди. Мана шу мақоласини тўлдирилган вариантини 2001 йилда чоп этилган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» асарида қайта чоп этди. Ушбу мақолада этногенез ва этник тарихга доир қатор махсус атамаларга, жумладан этнос, этник

⁷ Шаниязов К.Ш. Тюркоязычные народы, живущие в Центральной Азии. Анкара, 1996

⁸ Шаниязов К.Ш. Современный этнический состав и этнические процессы в Узбекской ССР // Проблемы народонаселения. М., 1970. -С.146

⁹ Шаниязов К.Ш. К вопросу расселения и родовых делений канглы //Ташкент, 1972.

¹⁰ Шаниязов К.Ш. Этнокультурные связи узбеков с другими тюркоязычными народностями Средней Азии и Казахстана // Этнические связи тюркских народов СССР. Тез. докл. и сообщ. Алма Ата, 1976

¹¹ Шаниязов К.Ш. Некоторые вопросы этнической динамики и этнических связей узбеков XIV—XVII веков // Очерки этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1986.

¹² Шониёзов Карим. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни — Т.: «Шарк», 2001.— 464 б.

бирлик, қабила, қабила иттифоқи, элат, халқ, этнографик гуруҳ (субэтнос) ва этник гуруҳларга тариф берилган ва уларнинг мазмун ва асл моҳияти яхши очилган.

К.Шониёзовнинг Қанғ давлати ва қанғлилар монографиясида узоқ ўтмишда, (милоддан аввалги III аср бошидан милодий V аср ўрталаригача) Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сиёсий тузум ҳар томонлама таҳлил қилинади. Қулдорлик даврида ташкил топган Қанғ давлатининг музофотлари даставвал фақат Сирдарёнинг ўрта оқими, Тошкент воҳаси ва унга туташган тоғ ва чўл зоналари билан чегараланган, деб қаралган бўлса, муаллиф милоддан аввалги II аср бошларида уларнинг ерлари бирмунча кенгайганини аниқлайди. Бу давлатнинг этник таркиби тўғрисида Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган сак қабилалари яксартлар (қанғуй, қанғарлар) Қанғ давлатининг ташкил топишида катта роль ўйнаганини ёритиб беради. Хуллас, бу асарда ўзбек халқининг қадимий қатламининг вужудга келишида фаол қатнашган асосий компонентлардан бири бўлган қанғарларни тарихий-этнографик жиҳатдан тадқиқ қилиб беради.

Академик Карим Шониёзовнинг инқилобгача бўлган Ўзбекистон чорвачилиги хусусида илмий мақоласи амирлик даври тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида этнология фанида ўз ўрнига эга. Мақолада ўзбекларнинг инқилобгача бўлган чорвачилигида асосий ўрин тутган ҳайвонлар ҳақида сўз боради¹³.

Қисқача қилиб шуни айтиш мумкинки, профессор К. Шониёзовнинг бу ерда эслатилган ва эслатилмаган асарларида ўзбек халқининг илк аجدодлари Амударё ва Сирдарё оралиғида Мовароуннаҳрда қадимдан яшаб келган туб ерли этнослар (суғдийлар, хоразмийлар, бактриянлар, сак-массагетлар, тохарлар ва бошқалар) бўлганлиги ва улар ўзбек халқининг асосий қатламларини ташкил қилганлиги таъкидланади. Сибирдан, Шарқий Туркистондан ва Дашти Қипчоқдан бир неча асрлар давомида келиб асосий қатламга қўшилган этнослар ўзбек элатининг шаклланиш жараёнидаги компонентлардир. К.Шониёзовнинг бошқа гуруҳ асарлари ўзбек халқининг ўтмишда ва ҳозирги вақтдаги моддий ва маиший маданиятини тадқиқ қилишга ва ёритишга бағишлангандир.

Халқимиз ўзлигини танитган, узоқ ўтмиши тарихи, аجدодлари тарихининг таг томирини билишга интилаётган бир даврда профессор К. Шониёзов илмий тадқиқотлари ғоят долзарб илмий-сиёсий асарлардир. Улар ўзбек халқининг келиб чиқиши ва давлатчилиги тарихига шубҳали назар билан қараётганларга муносиб ва асосли жавоб бўлиб хизмат қилади. Олим ўз изланишларининг

¹³ Карим Шаниязов Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. М., 1975

натижаларини ва илмий хулосаларини ўнлаб халқаро илмий конгресс ва конференцияларда жаҳон олимлари эътиборига ҳавола қилган.

К.Шониёзов этнограф ва антропологларнинг VII Халқаро конгрессида (Москва), IX Чикаго Халқаро конгрессида (АҚШ), X Дехли Халқаро конгрессида маърузалар билан, иштирок этди. Унинг илмий маърузалари туркшуносларнинг ОлмаОта, Уфа, Ашхобод, Ереван, Нальчик ва бошқа бутуниттифоқ илмий конференцияларида, олтойшуносларнинг Тошкент Халқаро конференциясида ҳам катта қизиқиш билан қарши олинди.

Республикада кўп жилдлик ўзбек халқи тарихи яратилган, лекин унда ҳар қандай халқ, тарихининг асосий мавзуси булган этногенез ва этник тарих акс этмаган эди. Ўзбекларнинг этник тарихини ўрганиш борасидаги баъзи бир олға силжишлар, фактик материаллар тўпланиб, биринчи ишловдан ўтказилганлигига қарамай, мавзунинг кўпгина қирралари етарлича ёритилмай қолмоқда эди. Халқ шаклланишининг асосий босқичлари ва муҳим унсурлари, уларнинг этногенетик жараёнларда қатнашув даражаси, минтақанинг қадимаҳолиси билан тарихий ворисийлиги ва генетик алоқалари, ўзбек миллати шаклланиши ўзига хос хусусиятларининг намоён бўлиши ва бошқаларни аниқлаш шулар жумласидандир.

Ўзбек халқининг шаклланишига оид тадқиқот ишида К.Шониёзов биринчи бўлиб ўз олдида минтақадаги этник тарихнинг энг қадимги босқичларини ўрганишдан иборат ниҳоятда оғир вазифани қўйди. У бронза даври ва илк ўрта асрлардаги турли этник жараёнларнинг ўзаро таъсирини акс эттирувчи этник жараёнларнинг кенг манзарасини гавдалантириш, ўзбекларнинг Ўрта Осиё худудидаги энг қадимги аجدодларини кўрсатишга муваффақ бўлди. Шу тариқа ўзбек халқи маҳаллий этник заминда шаклланганлиги яна бир карра ўз исботини топди.

Олимнинг “Ўзбеки-Карлуки”¹⁴ асари ҳам ўзбек этнологиясининг ноёб намуналаридан биридир. Ушбу тадқиқот кенг этнографик, дала, адабий ва археологик материалларда ёзилган. Асар ўзбек-қарлуқларнинг келиб чиқишини батафсил очиб беради, қарлуқларнинг иқтисодиёти, моддий ва маънавий маданиятига хос хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилинади; Совет ҳокимияти йилларида юз берган оилавий ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар масаласини қисқача кўриб чиқади. Монография Қарлуқлар ҳақидаги тарихий маълумотлар (қарлуқларнинг келиб чиқиши, жойлашиши ва ривожланиши) уй ҳўжалиги, қишлоқ ва сувдан фойдаланиш, чорвачилик, ҳунармандчилик ва уй ҳунармандчилиги, овчилик, транспорт воситалари, моддий маданият, уй-жой ва уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак, озиқ-овқат, қарлуқларнинг қабила

¹⁴ Шаниязов К. Ш. Ўзбеки-карлуки. Ташкент: Наука, 1964. С. 195Б

бўлинмалари, ижтимоий муносабатлар, оила ва никоҳ, дафн маросимлари ва мотам, расмий дин ва халқ эътиқодлари, болалар ўйинлари каби боблардан ташкил топган.

Шунингдек, академик Карим Шониёзовнинг “Қанғ ва қанғлилар”¹⁵ номли тадқиқот иши Ўзбекистон давлатчилигининг қурилишида муҳим роль ўйнаган Қанғ давлати ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу асарда Ўрта Осиё халқлари шу жумладан ўзбек халқининг сиёсий ва этник жараёнларида муҳим рол ўйнаган қанғарлар ва қанғ давлатининг тарихига бағишланади. Илмий ёзма археологик, антропологик, этнографик ва бошқа тарихий манбалар асосида Сирдарёнинг ўрта оқимларида пайдо бўлган Қанғ давлатининг ташкил топиши, ривожланиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти ва этник таркиби, қўшни давлатлар ва халқлар билан алоқалари, қанғарлар ва уларнинг ўрта асрлардаги авлодлари тарихи, уларнинг катта қисми ўзбек халқи таркибига кириб умумўзбек маданиятини қабул қилиши ва ўзбек миллатининг ажралмас қисми бўлиб унга қўшилиб, сингиб кетганлиги акс эттирилган. Асар Қанғ давлатининг ташкил топиши ва унинг чегараси, марказий шаҳри, Қанғ давлатига қарашли вилоятлар, қанғарлар ва уларга қўшни халқлар, уларнинг ўзаро этник алоқалари қанғарларнинг қўшни давлатлар билан муносабатлари, Қанғ давлатидаги иқтисодий ва маданий ҳаёт, қанғарлар ўрта асрларда, қанғлиларнинг тамға ва ўронлари, XIX аср охири ва XX аср бошиларида ўзбек халқи таркибидаги қанғлилар каби боблардан ташкил топган. “Қанғ ва қанғлилар” тадқиқот иши тарихчиларга, археологларга, олий ўқув юртларининг талабаларига мўлжалланган асардир.

Муаллифнинг кўп йиллар давомида олиб борган илмий изланишлари натижасида вужудга келган яна бир асар “Қарлуқ давлати ва қарлуқлар”¹⁶ асаридир. Бу асар илмий оммабоп тарзда ёзилган бўлиб, асарни ёзишда қадимги туркий битиклардан, хитой араб ва форс тилли манбалардан ҳамда кўплаб илмий китоб ва нашрлардан кенг фойдаланилган.

Мазкур асар ўзбек халқининг сиёсий, маданий ва этник жараёнида муҳим роль ўйнаган компонентлардан бири қарлуқлар этник гуруҳи ва Қарлуқ давлати тарихига бағишланган. Мазкур асар ёзма, тарихий, археологик, антропологик, нумизматик, этнографик ва бошқа манбалар асосида ёзилган бўлиб, унда Марказий Осиёда ўрта асрларда ташкил топган йирик давлатлардан бири - Қарлуқ давлати, унинг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, этник таркиби, бу давлат таркибида ўзбек аждодларининг алоҳида этник жамоа (элат) бўлиб шаклланиши, қўшни давлатлар ва халқлар билан алоқалари ёритилган. Қарлуқларнинг илк аждодлари, уларнинг ўрта асрларда ўз мустақилликлари

¹⁵ Шониёзов К. Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент. «Фан»,— 1990. - 168 б

¹⁶ Шониёзов К. Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар – Т.: Шарқ, 1999. 190б

учун олиб борган курашлари, йирик давлат барпо қилганликлари, уларнинг бизгача сақланиб қолган аجدодлари шунингдек, Қарлуқ давлатининг инқирозга учрагандан кейинги асрлардаги қарлуқ кавмининг такдири ва уларга хос баъзи этнографик хусусиятлар тўғрисида фикр юритилади. Бу асар қарлуқларнинг илк аجدодлари, Қарлуқ давлати, Қарлуқ давлати ҳудудидаги аҳолининг этник таркиби, IX-XII асрларда Қарлуқ давлати ҳудудида этник ва маданий жараён, қарлуқларнинг кейинги авлодлари, қарлуқларнинг энг кейинги авлодлар каби мавзулардан ташкил топган. Асар илмий-оммабоп услубда ёзилган бўлиб тарихчиларга, археологларга, антропологларга, этнографларга ва олий ўқув юртларининг талабаларига, умуман ўзбек халқининг сиёсий ва этник тарихи билан қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Хулоса қилиб айтганда, К.Ш.Шониёзов нафақат тадқиқотчи, балки ўз билимларини етказиб, ёш тадқиқотчиларда этнографияга муҳаббат уйғотадиган истеъдодли ўқитувчи ҳам эди. Унинг раҳбарлиги остида улар ўзбекларнинг тарихий этнографиясининг кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган масалаларини ишлаб чиқдилар. Бугун биз К.Шониёзовнинг мактаби ҳақида ҳақли равишда мактана оламиз. Унинг шогирдлари устозининг анъаналарини давом эттириб, Ўзбекистоннинг турли минтақаларида муваффақиятли ишламоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шаниязов К. Ш. К вопросу о социальных отношениях у карлуков Южного Узбекистана в конце XIX — начале XX века (по этнографическим данным) // Изв. АН УзССР. Сер. обществ, наук. 1959. № 3.
2. Шаниязов К.Ш. Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. М., 1975.
3. Шаниязов К. Ш. Узбеки-карлуки. Ташкент: Наука, 1964.
4. Шониёзов Карим. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни— Т.: «Шарқ», 2001.— 464 б.
5. Шаниязов К.Ш.Современные этнические процессы и быт узбекского народа” // История Узбекской ССР. Т. IV. Ташкент, 1968 (в соавт. с О. А. Сухаревой, Ф.А.Ариповым
6. Шониёзов К.Ш. — Қанг давлати ва қанглилар. Тошкент. «Фан»,— 1990. - 168 б.
7. Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар – Т.: Шарқ, 1999.
8. Шаниязов К.Ш. Современный этнический состав и этнические процессы в Узбекской ССР // Проблемы народонаселения. М., 1970

9. Шаниязов К.Ш. Этнокультурные связи узбеков с другими тюркоязычными народностями Средней Азии и Казахстана // Этнические связи тюркских народов СССР. Тез. докл. и сообщ. Алма Ата, 1976

10. Шаниязов К.Ш. Некоторые вопросы этнической динамики и этнических связей узбеков XIV—XVII веков // Очерки этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1986